



**ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ**

Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги Ф-4977-сон “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолияти самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2017 йил 14 августдаги Ф-5022-сон “Ўзбекистон Республикасида электр энергияси ва табиий газ назорати ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги қарор қилади:

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 1 февралдаги 2-ю ва 7-сон қарори (рўйхат рақами 2329, 2012 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга куйидаги қўшимчалар киритилсин:

а) 2-банд куйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“энергоресурсларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимида фойдаланиладиган рақамлар – Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан белгиланадиган энергоресурсларни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасидаги электр энергия, табиий газ ва бошқа коммунал хизматларни ҳисобга олиш асбобларини улашни таъминлаш учун уяли алоқа компаниялари томонидан ажратилган рақамлар.”;

б) 4-банд куйидаги жумла билан тўлдирилсин:

“Энергоресурсларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш тизимида фойдаланиладиган рақамлар тўлов объекти ҳисобланмайди”.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини ривожлаштириш
вазирининг биринчи ўринбосари



 О. Умаров

Тошкент ш.,
2017 йил "22" сентябрь,
154-МХ -сон

Молия вазири



 Б. Ходжаев

Тошкент ш.,
2017 йил "22" сентябрь,
134 -сон

Келишилган:

Давлат солиқ қўмитаси раиси



 Б. Парпиев

2017 йил "22" сентябрь